# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ

(Боши 1-бетда)

Сурхондарё вилояти ҳокимининг ўринбосари П.Тангриев ва Сирдарё вилояти ҳокимининг ўринбосари М.Эркаев зарар кўриб ишлаётган ҳамда иқтисодий ночор истиқболсиз корхоналарни тугатиш ва таркибий ўзгартириш минтақавий дастурининг бажарилиши тўғрисида ҳисобот тақдим этишди. «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси (Баҳромов), «Ўзбек ипаги» (Рўзиқулов), «Ўзэлтехсаноат» (Умаров), «Ёғмойтамакисаноат» (Худоёров) уюшмалари раҳбарларига иқтисодий ночор корхоналар сонининг ўсиши давом этаётганлиги ва уларнинг молиявий аҳволини мустаҳкамлаш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрилмаётгани кўрсатиб ўтилди.

Мажлисда шунингдек 2005-2006 йилларда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастурининг бажарилиши ҳам кўриб чиқилди. Республика ва маҳаллий бошқарув органлари мансабдор шахсларининг давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштриш бўйича тасдиқланган чора-тадбирларнинг бажарилиши, объектлар ва давлат активларини инвестиция мажбуриятлари эвазига текин бериш юзасидан жавобгарлиги тўғрисида Давлат мулки қўмитасининг раиси М.Асқаров сўзга чиқди. Ҳудудий танлов комиссиялари қарорларига кўра инвестиция мажбуриятлари эвазига текин беришга қўйилган 104 корхона ва объектдан 99 таси 12,6 миллиард сўм миқдорида инвестициялар қўйиш шарти билан берилган.

2005-2006 йилларда хусусийлаштириш дастурига мувофиқ 627 давлат корхонаси, объектлар, акциялар пакетлари ва улушлар сотилган, бу йил прогнозига нисбатан 68 фоизни ташкил этди. 9 ой мобайнида 729 давлат корхонаси мулкчилик шаклини ўзгартирди, 659 корхона ва объектлар хусусий мулкдорлар томонидан сотиб олинди. Хусусийлаштиришдан тушган маблағ 56,2 миллиард сўмни ташкил қилди.

2003-2005 йиллар мобайнида инвестиция мажбуриятлари эвазига текин берилган 309 объектдан 64 тасида (берилганларнинг 20 фоизи) инвестиция қўйилмалари мажбуриятлардагидан кам. Шу сабабли 25 та (8 фоиз) объект бўйича ҳозирдаёқ олди-сотди шартномалари бекор қилинган ва улар такрорий савдога қўйилган.

Шу билан бирга, объектларни хусусийлаштиришнинг тасдиқланган дастурлари бўйича топшириқлар «Ўзқурилишматериаллари», «Ўзбекенгилсаноат», «Ўзбексавдо» компанияларида, «Ўзбеккино» миллий агентлигида, «Ёғмойтамакисаноат» уюшмасида бажарилмаган.

Ушбу масалалар бўйича музокараларда «Ўзбекенгилсаноат» компанияси раиси А.Баҳромов, Наманган вилояти ҳокимининг ўринбосари А.Болтабоев, Самарқанд вилояти ҳокимининг ўринбосари З.Мирзаев сўзга чиқдилар. Масалаларни муҳокама қилиш натижаларига кўра раҳбарларнинг эътибори Хусусийлаштириш дастурининг бажарилиши, шунингдек хусусийлаштириш жараёнларига хорижий инвестицияларни жалб этиш юзасидан ишларнинг етарли эмаслигига, келгусида давлат активларини сотиш топшириқларини таъминлашга қаратилди ҳамда уларнинг зиммасига Дастур параметрларининг бажарилишини таъминлаш учун қўшимча чора-тадбирлар кўриш юкланди.

Мажлисда аҳолини иш билан таъминлаш ва уларнинг даромадларини оширишнинг муҳим йўналиши сифатида шахсий ёрдамчи хўжаликларда, деҳқон ва фермер хўжаликларида қорамоллар боқиш ва уларнинг бош сонини кўпайтириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш бўйича ҳукумат томонидан кўрилаётган чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу масала кун тартибига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан киритилган.

Ривожланишга тўсқинлик қилаётган муаммолар, шунингдек чорвачилик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашаётган фермер хўжаликларини янада рағбатлантиришга доир таклифлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари В.Голишев ҳамда Фермер хўжаликлари уюшмаси раиси С.Қобилов сўзга чиқдилар.

Деҳқонлар ва уларнинг оила аъзолари чорва моллари боқиб, бутун мамлакат аҳолиси фойдаланадиган чорвачилик маҳсулоти етиштириш орқали ўз фаолиятидан даромад олар экан, ўзини иш билан таъминланган деб ҳисоблаши учун тўлиқ асосга эгадир. Қолаверса, иш билан таъминлашнинг ушбу омили катта сармоя талаб қилмайди. Иқтисодий айланмага тўлақонли жалб этиш учун бундай субъектлар фаолият кўрсатишининг юридик жиҳатларини ҳал қилиш - чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ва сотиш юзасидан шартномалар тузилишини таъминлаш зарур. Хизмат кўрсатувчи инфратузилмани шакллантириш вазифаси ҳам муҳимдир. Тегишли вазирликлар ва идораларга амалдаги қонун ҳужжатларига, шунингдек аҳолининг иш билан таъминланганлигини ҳисобга олиш методикасига зарур ўзгартиришлар киритиш юзасидан таклифлар тайёрлаш топширилди.

«Ёғмойтамакисаноат» уюшмаси раиси М.Худоёров, «Ўзгўштсутсаноат» уюшмаси раиси М.Холов, Жиззах вилояти ҳокимининг ўринбосари Б.Тўраев, Қашқадарё вилояти ҳокимининг ўринбосари Ш.Назаровнинг чиқишларида чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчи деҳқон ва фермер хўжаликларини шрот ва шелуха билан таъминлаш масалаларига, ушбу соҳада шартномавий интизомни мустаҳкамлаш ҳақида сўз борди. Шунингдек, тармоқ тизимига кирувчи чорвачилик хўжаликлари самарадорлигининг пастлигига, маҳсулотлар таннархининг ўсиб бораётганига, ишлаб чиқарувчилар ва қайта ишловчилар иштирокида кооперативлаштирилган тузилмаларни ташкил этиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларга, вилоятлар ва туманлар ҳокимликларининг қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашнинг муҳим омили сифатида чорвачилик билан шуғулланувчи деҳқон хўжаликлари сонини кўпайтириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш борасидаги масъулиятига эътибор қаратилди.

Ушбу долзарб масалалар муҳокамаси якунида 2006-2010 йилларда республика шахсий ёрдамчи, фермер ва деҳқон хўжаликларида чорва моллари, биринчи навбатда қорамоллар бош сонини кўпайтиришни рағбатлантириш дастурини тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳ тузишга қарор қилинди.

Кун тартибидаги охирги масала - Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банклардаги депозит ҳисобварақларидан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида» 2005 йил 5 августдаги қарорини бажариш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.Муллажоновнинг ахбороти тингланди.

Президент қарорида кўрсатилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида 2005 йилнинг август-сентябрь ойлари мобайнида нақд пул тушуми олдинги ойларга нисбатан 25 фоиздан зиёд, шу жумладан савдодан тушум - 28 фоизга кўпайди. Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида тижорат банкларида аҳоли омонатлари ҳажми 21,3 фоизга ошди.

«Ишонч телефонлари» ўрнатилган ва махсус дастурлар ишлаб чиқилган. Улар тушаётган шикоятларни дарҳол қайд этиш ва умумлаштириш имконини бермоқда. Ушбу шикоятлар бўйича зудлик билан чора-тадбирлар кўрилмоқда. Натижада шикоят ва аризалар сони кескин қисқарди.

Мажлисда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎзА)







## БУ САМАРҚАНД ЙЎЛЛАРИ

Сўнгги йилларда Самарқанд шаҳрида жуда кўплаб ободончилик ишлари амалга оширилди. Жумладан, вилоят «Автойўл» қурилиш ҳудудий шуъба ташкилоти жамоасининг ҳам бу ишларда ҳиссаси катта бўлмоқда. Самарқанд вилояти ҳудудидан 339 халқаро, 1102 республика, 2679 километр маҳаллий миқёсда йўллар ўтади. Ҳозирги кунда шу йўлларда самарқандлик йўлсозлар уч босқичда қайта таъмирлаш ишлари лойиҳасини амалга оширмоқдалар.

**Суратларда: Самарқанд шаҳри йўллари қурилишида.**

**Т.НОРҚУЛОВ**
**(ЎзА) олган суратлар**

*Ислоҳот инсон учун*

# БУНЁДКОР ҚЎЛЛАР МЎЪЖИЗАСИ

(Боши 1-бетда)

Энг асосийси жамоа аъзоларининг самарали меҳнат қилишлари ва кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун барча қулайликлар яратилган. Қурувчиларга ҳар куни икки маҳал бепул иссиқ овқат берилади. Ўртача ойлик маоши 80 минг сўмни ташкил этади. Ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий муҳофазаси, соғлиғини тиклаш ва уларга моддий ёрдам кўрсатиш раҳбариятнинг доимий эътиборида.

Жорий йилнинг ўтган даврида воҳадаги 21 та қишлоқ тоза ичимлик суви, 30 таси табиий газ билан таъминланганлиги ва 400 га яқин савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат иншоотлари қурилганлиги аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш соҳасидаги хайрли ишлардан далолат беради. Биргина Китоб туманидаги Й.Охунбобоев номли хўжаликда кейинги икки йил мобайнида хонадонларни газлаштириш учун 81 миллион сўм сарфланди. Бу йил давлат бюджетидан 27 миллион ва хўжалик ҳисобидан 12 миллион сўм маблағ ажратилиб, туман марказидан 25-30 километр олисда жойлашган Тўпчақча ва Катта Тўпчақча қишлоқлари газлаштирилди. 2,5 километр қувур тортилиб, 400 хонадонда "зангори олов" ёнди.

Яккабоғ туманида қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи, Эсат қишлоғида 420, Қорасув қишлоғида 280 ўринли, Ғузор туманида Жумабой Муродов номли, Муҳиддин Йўлдошев номли мактаблар, "Истиқлол" хўжалигида қариялар чойхонаси, Қарши шаҳрида мактаб, Косон туманининг Ровот маҳаллаларида савдо ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриб битказилди. Воҳада 22 та мактаб, 6 та касб-ҳунар коллежи фойдаланишга топширилди.

"Ўзгазтранс" бунёдкорлари томонидан фойдаланишга топширилган, лойиҳа қиймати 62 миллиард сўмлик Муборак газ компрессор станцияси 120 миллион кубометр "зангори олов"ни ўтказиш қувватига эга. "Жанубий Кемачи" конидан олинаётган табиий газ тозаланиб, Тошкент шаҳри ва Фарғона водийси истеъмолчиларига жўнатилмоқда.

Қадимий ва ҳамиша навқирон Насафнинг бугунги қиёфасини тубдан ўзгартиришга хизмат қиладиган қурилиш, реконструкция ва ободончилик ишларини замонавий талаблар асосида амалга оширишга алоҳида аҳамият берилаяпти. Вилоят марказидаги 50 га яқин иншоотда янгидан ва қайта қуриш юмушлари олиб борилаяпти.

"Қашқадарёнефтегазсаноатқурилиш" акциядорлик жамиятининг 6-вакиллиги бунёд этаётган 20 минг ўринли ёпиқ марказий ўйингоҳ Марказий Осиёда энг кўркам ва замонавий мажмуа ҳисобланади. ФИФА андозаларига мос стадионнинг шарқий ва ғарбий трибуналари икки ярусли бўлади. Мажмуа ва унинг атрофидаги турли спорт секциялари учун заллар, соғломлаштириш маркази, ресторан ва кафелар, автомобиллар сақлаш жойлари, фавворалар бир-бирига уйғунлашиб кетади.

Иншоотда жорий йил охирига қадар 4,6 миллиард сўмлик пудрат ишларини бажариш кўзда тутилган. Марказий ўйингоҳ қурилишида "Муборакнефтгазмонтаж", "Тошкентнефтегазқурилиш", "Бухоронефтегазсаноатқурилиш", "Жанубийгазқурилиш" акциядорлик жамиятлари фаол қатнашмоқдалар. Кўтарма кран оператори Дмитрий Сушенко, бош уста Озод Қурамбоев каби фидойилар меҳнатидан ҳамма мамнун.

Қаршида яна битта замонавий билим маскани, 540-ўринли Қарши компьютер технологияси коллежи қад кўтараяпти. Тўрт қаватли ўқув биноси, 220 ўринли ошхона, бўйи 30, эни 18 метр катталикдаги ёпиқ спорт зали ва бошқа бинолардан иборат ўқув мажмуасининг тендер қиймати 1,5 миллиард сўмга тенг. Тажрибали пайвандчи Асад Абдуғаниев, пардозчи-бўёқчилар Норбўта Алимов, Зоир Қурбоновларнинг самарали меҳнати билан ўқув муассасаси яқин кунларда фойдаланишга топширилади.

Йўллар мамлакатимиз фахри, Нукус-Бухоро-Қарши-Ғузор халқаро автомобил йўлининг 711-714 километрларида ишлаётган йўл устаси Эшмамат Тешаев, автогрейдерчи Зафар Бўтаев, Муборак йўл хўжалиги туман пудрат таъмирлаш - фойдаланиш корхонаси раҳбари Зуҳриддин Муҳиддиновларнинг хизматлари билан Жайҳун кўчасига асфальт ётқизилиб, ойнадек текис бўлди.

Сув об-ҳавони мўътадил сақлаш манбаи. Катта ҳудудни эгаллаган Алишер Навоий номли маданият ва истироҳат боғида кўллар мажмуи қурилиб, ишга туширилди. Журналистлар уйи, театр майдонидан бошланиб Бахт уйигача бўлган масофани эгаллаган учта шаффоф сувли кўл Ҳисор тоғларидан келтирилган рангли мармар тошлар билан безатилган.

Чироқчи тумани "Пахтакор" хўжалигида Қорамурут қишлоғида яшовчи Саидовлар хонадонида бўлдик. Оила бекаси Ҳимматой Саидованинг шодлиги беқиёс. Хонадонда "зангори олов" ёна бошлади. Рўзғор ташвишлари анча камайди. Ҳовлидаги қувурдан тоза ичимлик суви келиб турибди. 2 километр масофага қувур тортилиб, қишлоққа газ келтирилди.

**Т.ЭРГАШЕВ,**
**ирригатор**

Тоғли ҳудудда жойлашган Нурота туманини газлаштиришга истиқлол йилларида алоҳида эътибор қаратилди.

Жорий йилда тумандаги «Мармаробод» қишлоғи, Парпи Узоқ ва Нуробод массивлари, Тош шаҳарчаси аҳолиси табиий газдан баҳраманд бўлди. Шу йилнинг ўтган даврида 15 километрлик газ қувурлари ётқизилди.

## ГАЗ ТАЪМИНОТИ ЯХШИЛАНДИ

Эндиликда туман газчилари Алишер Навоий, Файзулла Хўжаев номидаги ширкат хўжаликлари марказий қўрғонлари аҳолисига ҳам табиий газ етказиб бериш чораларини кўряпти.

Шунингдек, хонадонларга газ ўлчагич асбоблари ўрнатиш ишлари ҳам жадаллик билан олиб борилмоқда. Ҳозиргача 800 га яқин ана шундай ускуна ўрнатилди.

## ТАДБИРЛАРНИНГ ТАЪСИРЧАН КУЧИ

Тошкент вилояти Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма кенгаши жорий йилги пахта йиғим-теримида фаол иштирок этаётган тармоқ ҳашарчиларини рағбатлантириб келишмоқда. Шу жумладан улар Бўка, Ўрта Чирчиқ, Пскент туманидаги теримчилар ҳузурида бўлдилар. Уларни маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида дастурхон тузилиб, санъаткорлар иштирокида концерт ташкил этилди.

Теримда иштирок этаётган тармоқ меҳнаткашларига вилоят кенгаши томонидан 552.500 сўмлик қимматбаҳо совға топширилди. Вилоят кенгашининг Ангрен, Чирчиқ шаҳарлари, Пскент, Қибрай туманлари бўйича вакиллари ҳам бу хайрли ишдан четда қолишмади.

**Ўз мухбиримиз**

*Қурултойдан-қурултойгача*

***Ўзбекистон автомобил транспорти ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши бошланғич ташкилотларни меҳнаткашлар учун соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитини яратиб беришга сафарбар этиб келмоқда.***

# МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
## бўйича лавозим тикланганда

Меҳнатни муҳофаза қилиш - бу тегишли қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида амал қилувчи, ишловчилар сиҳат-саломатлиги ва иш қобилиятини сақлашни таъминлашга қаратилган жараёндир. У кўпгина ташкилий, техникавий ҳамда санитария-гигиеник тадбирларни ўз ичига олади. Мақсадга эришиш учун бир-бири билан боғлиқ воситалардан фойдаланилади. Жумладан, унга халқаро меҳнат меъёрлари, Автомобил ва дарё транспорти агентлиги, "Ўзавтойўл" Давлат акциядорлик компаниялари билан биргаликда ишлаб чиқилган "Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари", ўтказилган тадқиқотчилик ишлари натижалари, ахборот тизими ҳамда турли техник ҳамкорликлар киради.

Амалга ошириладиган тадбирлар иш берувчилар ва касаба уюшма ташкилотлари билан келишилган. Унга асосан 50 ва ундан ортиқ ишчи-хизматчи ишлайдиган корхоналарда махсус тайёргарликка эга меҳнатни муҳофаза қилиш ходими лавозими жорий этилади. Ушбу йўналишдаги вакилларни сайлаш, кейинчалик эса уларни амалдаги қоида ва меъёрларга монанд равишда ўқитиш вазифалари ҳам иш берувчи ва бошланғич ташкилотлар зиммасида. "Тошшаҳарйўловчитранс", "Ўзавтойўл" компаниялари корхоналарида бу иш яхши йўлга қўйилган. Биргина, "Тошвилавтойўл" бирлашмасининг 21 ташкилотида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича лавозимлар қайта тикланди. Шунингдек, Тошкент шаҳрининг 2-автокомбинати, 8-автобус саройи, 2519-автожамланма, вилоятнинг Қибрай, Оҳангарон автомобил йўллари бошқармалари ва бошқа бир қатор корхоналарда бу борада олиб борилаётган ишларни талаб даражасида дейиш мумкин.

Кўрик-танловлар ўтказиши натижасида жамоатчилик назорати ишида анчагина жонланиш юз берди. Кейинги йилларда ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар Самарқанд, Бухоро, Сурхондарё тармоқ касаба уюшма вакилликларида содир бўлмади. Қорақалпоғистон Республикаси, Наманган, Хоразм вилоятларида эса сезиларли даражада камайди. Кўрик-танлов ниҳоясида шу нарса маълум бўлдики, Тошкент шаҳри, Самарқанд, Қашқадарё, Навоий ҳамда Андижон вилоятларида тармоқ вакилликлари бу борадаги барча имкониятларини тўлиқ ишга солишган. Касаба уюшмалари, меҳнатни муҳофаза қилиш мутахассислари ҳар бир корхонанинг санитар-техник паспорти бўлишига эришишга ҳаракат қилишмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, меҳнат муҳофазаси борасида кейинги йилларда қабул қилинган қатор меъёрий ҳужжатлар соғлиқ учун зарарли шароитда ишловчиларнинг иш вақти ва дам олишини, хотин-қизлар меҳнатини, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалаларини тартибга солди. Балоғат ёшига етмаганлар меҳнатидан ҳавфли ва зарарли ишларда фойдаланиш тақиқлаб қўйилди. Мутахассисларни ўқитиш ва тайёрлаш ишлари олиб борилмоқда.

**Р.НЕЪМАТОВ**



***Қишлоқ хўжалигидан баракали ва мўл ҳосил етиштиришда мулкдорларнинг тутган ўрни бўлакча. Кейинги йилларда тармоқда ислоҳотларнинг жадаллашгани самараси ўлароқ фермерчилик ҳаракатига кенг ўрин берилди. Андижон вилояти аграр тизимида етиштирилаётган маҳсулотларнинг каттагина қисми улар улушига тўғри келаяпти.***

# ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ
## тубдан ўзгарди

Ана шундай мулкдорлардан бири Бўз туманидаги «Баҳодир» фермер хўжалигидир. Дастлаб унга 17 гектар ер ажратиб берилди. Жамоанинг соҳани пухта ўзлаштиргани ва илғор тажрибаларни ишлаб чиқаришга татбиқ этгани самараси кузакда кўнгилдагидек якун топди. Ғалладан 66 центнердан сара дон йиғиштириб олинган бўлса, пахтадан гектарига 35 центнердан тош босди. Аниқроғи, фермер бир мавсумнинг ўзидаёқ ширкатдагига қараганда ғалладан 6, пахтадан 5 центнер кўп маҳсулот етиштириб, мулкдор қандай кучга эгалигини меҳнатда исботлади.

Фермер хўжалиги раҳбари Анорбой Ороловнинг фикрича муваффақиятлар гарови уч нарсага боғлиқ, яъни ерни минерал ва маҳаллий ўғитга тўйғазиш, сифатли ишлов бериш ҳамда деҳқон меҳнатини ардоқлаш. Ана шу уч хислатнинг мужассамлашгани аҳил жамоага омад келтирди.

**А.ДАМИНОВ,**
**механизатор**

***Интизор Отаниёзова номли фермер хўжалиги раҳбари Онажон Тожиева кўнглига чироқ ёқса ёришмайди. Негаки, бу йил пахтачиликда кўзланган натижани қўлга киритолмади. Сабаб?***

# ФЕРМЕР НЕГА ХУНОБ

Фермер хўжалиги аъзолари, қолаверса унинг раҳбари баҳорни, экин-тикин ишлари бошланадиган кунларни яхши ният билан, пухта ҳозирлик кўрган ҳолда интизорлик билан кутди. Чигит экиладиган 15 гектар майдоннинг шўри сифатли қилиб ювилди. Ерлар тобига келиш арафасида, аниқроғи 13 апрелда О.Тожиева муқобил машина-трактор парки раҳбарларига ерни ҳайдаш, чизеллаш ишларини бажаришни, чигит экишни сўраб 2-сонли талабномани топширди.

Бироқ Маҳтумқули номли фермерлар уюшмасининг МТП раҳбарияти шартномага мувофиқ талабномада кўрсатилган муддатда фермер хўжалигига зарур техника воситаларини ажратмади. Бирин-кетин кунлар ўтди, техникани кутиб Онажоннинг кўзлари толди. Нами қочиб бораётган далаларни кўриб кўзлари ёшланди. Ер тобини қочирмаслик учун қайта енгил суғормоқчи ҳам бўлди. Лекин экиш муддати ўтиб кетишини ўйлаб, сабр қилди.

Кутиш 10 кун давом этди. Ниҳоят трактор ва агрегатлар ишга тушди. Улар тобдан чиқиб, нами қочган тупроққа чигит қадашди-ю, кетишди.

Униб чиққан ниҳолларни кўриб, Онажоннинг яна хуноби ошди. Негаки 5 гектар майдоннинг ҳар гектарида ўртача 30-35 минг тупдан ниҳол униб чиқди. Қолган 10 гектарнинг ҳар гектарида чигитнинг атиги беш фоизигина ниҳол берди. Қайтадан плёнка остига қадалгани натижа бермади.

Аёлнинг югурганлари зоя кетди, орзу- умидлари пучга чиқди. У шартномага кўра, 10 гектар майдондан 28 тонна пахта ҳосили йиғиб олмоқчи, шу ҳисобга 6,3 миллион сўм даромад қилмоқчи эди. Афсус, МТП раҳбарларининг айби билан фермер хўжалиги бу даромаддан маҳрум бўлди. Қилинган 2 миллион 700 минг сўмлик харажат ҳавога совурилди.

Шуни таъкидлаш керакки, юқоридаги ташкилот мутасаддиларининг лоқайдлиги натижасида фақат О.Тожиева бош бўлган фермер хўжалигигина зарар кўриб қолмади. Бундайлар ҳудудда 22 хўжаликни ташкил этди.

*«Ишонч» фош этади*

Улар хизмат кўрсатган майдонларнинг 102 гектарида чигит умуман кўкармасдан қолди. Сабаби оддий, ер оби-тобида бўлганида уруғ экилмади. Демак, ҳар гектар майдондан камида 25 центнердан ҳосил олинишини ҳисобга олсак 255 тонна пахта бой берилганини кўрамиз. Кўрилган зарарни, қилинган харажатларни, фермерларнинг маънавий зарарини ҳисоблаш учун ҳисобчи бўлиш шарт эмас. Бундан ташқари, МТПдагиларнинг «ҳиммати» туфайли М.Ёқубов, Х.Ражабова ва М.Собиров номли фермер хўжаликлари далаларида эгат олиш ўз вақтида амалга оширилмаганлигидан ғўзалар зарур вақтда суғорилмади.

Ушбу фактлар ва фермерлар уюшмасида 43,4 гектар, шундан МТП ҳудудидаги 22 гектар майдонга чигит вақтида экилмаганлиги Шовот туман прокуратураси томонидан ўтказилган текширишлар жараёнида аниқланди.

Унинг якунига кўра, соҳага масъул мансабдор шахслар ҳаракатида Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 205-моддаси 2-қисмининг «В» банди, 208-моддасида кўзда тутилган жиноят аломатлари мавжудлиги ҳисобга олиниб, жиноий иш қўзғатилди.

Мансабдор шахслар масъулиятсизлиги учун жавоб беришди. Лекин бўш қолган ердан, қабул пунктларига топширилмаган ҳосилдан кўрилган зарар қандай қопланади?

**К.РАҲИМОВ**

*Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганлигига 16 йил бўлди*

# ТИЛ – МИЛЛАТ ҚАЛБИ ва мавжудлигининг шартидир

***«Ҳар бир миллатнинг дунёда борлиғин кўрсатадурғон оинаи ҳаёти тилидир». Маърифатпарвар бобокалонимиз Абдулла Авлоний она тилига шундай таъриф берган эди. Тил ҳақиқатан ҳам миллат кўзгуси. Унинг қалби ва мавжудлигининг шартидир.***

Шу билан бирга юксак маънавият, ўзликни англаш белгиси ва фикрни ифодаловчи асосий воситадир. Ҳар бир инсонни ўзлик бўлиб суяйдиган, ғурур бўлиб руҳини кўтарадиган, эзгулик бўлиб йўлини ёритадиган чироқ унинг миллий тилидир. Тил – халқнинг дили, маънавият кўзгуси. Бу кўзгуга боққаннинг тарихи тирик, йўли нурли бўлади. Нурли йўлдан эса кўнғироқлари элас-элас акс садо бериб тарихнинг ҳақиқат карвони ўтади. Унинг бисотида асрагани ҳақ сўз — она сўздир. Она сўз эса она алласи, унинг гўзал туйғулари билан гўдак вужудига ўтади ва Ватан тимсолига айланади. Она тили бор экан, Ватан, миллат, нурли келажак бор. Шунинг учун ҳам она тили инсонга ҳамиша маънавий ва руҳий қувват беради. Ўзлигини таниган ҳар бир халқ ўз тилига меҳр қўяди. Унга миллий ғурур сифатида қарайди.

«Кўнгил маҳзанининг қулфи тил ва ул маҳзаннинг калидин сўз бил» дея она тилига юксак таъриф берган Алишер Навоий ҳазратлари тилимиз ривожига катта ҳисса қўшганлар. Бобур Мирзонинг қуйидаги эътирофи бу ҳақиқатни тасдиқлайди: «Алишербек назири йўқ киши эди. Туркий тил била то шеър айтибтурлар. Ҳеч ким онча кўп ва хўп айтқон эрмас: Олти маснавий китоб назм қилубтур, беши «Хамса» жавобида, яна бири «Мантиқут-тайр» вазнида «Лисонут-тайр» отлиқ. Тўрт ғазалиёт девони тартиб қилубтур: «Ғаройибус-сиғар», «Наводируш-шабоб», «Бидойиул-васат», «Фаводул-кибар» отлиғ. Яхши рубойёти ҳам бор».

Гарчи, 1989 йил 21 октябрда Давлат тили ҳақидаги Қонун тилимиз қадр-қиммати, нуфузини оширишда муҳим аҳамият касб этса-да, фақат мустақиллик йилларида унинг мавқеини кўтариш, ҳаётнинг барча жабҳаларида кенг қўлланишини таъминлашда амалий ишлар қилинди. Ўзбек тилининг расмий идоравий тизими йўлга қўйилиб, барча соҳаларда иш юритиш ҳужжатлари давлат тилида олиб борилиши таъминланди. Президентимиз «Фидокор» газетаси мухбири саволларига берган жавобларида она тилимизнинг аҳамиятини юқори баҳолаб шундай деган эдилар: – «Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили – бу миллатнинг руҳидир. Ўз тилини йўқотган ҳар қандай миллат ўзлигидан жудо бўлиши муқаррар». Ҳақиқатдан ҳам тилини йўқотмоқ – йўлни йўқотмоқдир. Ҳар бир тил ўз миллий хусусиятига эга бўлиб, у инсон қалбида миллий фахр-ифтихор, Ватан, миллат туйғуси бўлиб яшайди. Миллий ўзликни англаш эса миллий ўзига хослик замирида шаклланади. Негаки, халқнинг миллий руҳияти унинг миллий тилида акс этади. Давлатимиз рамзи ҳисобланмиш Асосий Қонунимизнинг 4-моддасида:

«Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ўзбек тилидир.

Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади» деб эътироф этилади. Давлат тили ҳақидаги Қонуннинг амалга оширилиши юзасидан қабул қилинган Давлат дастурига мувофиқ ҳар йили 21 октябр – «Она тили куни» сифатида нишонланади. Барча ўқув юртлари, олийгоҳ ва маҳаллаларда, ташкилот ва муассасаларда тил байрами муносабати билан «Тилга эътибор – элга эътибор», «Тил – миллат қалби», «Она тилим – жону дилим», «Тил – маънавият белгиси», «Тил – Ватан кўрки», «Тил – буюк маънавий мерос», «Тил билган олам билар» сингари мавзуларда адабий кечалар, давра суҳбатлари, китобхонлар конференциялари, маърифий учрашувлар ўтказилади. Бундай тадбирлар шубҳасиз, аҳолида, айниқса, ёшлар қалбида она тилига нисбатан ҳурмат уйғотади. Улардаги ватанпарварлик, миллий ғурур туйғуларини ўстиради.

Дунёдаги барча миллатлар қатори биз ҳам ўз она тилимиз билан фахрланиш билан бирга унинг истиқболи учун қайғурамиз. Негаки, тил бебаҳо бойлигимиздир. Уни асраб-авайлаш эса ўз қўлимизда. Давлат тили ҳақидаги Қонунга асосан жой номларини тартибга солиш, маъмурий ҳудудий бирликлар номларини қайта кўриб чиқиш борасида амалий ишлар қилинди. Бу борадаги ҳукумат қарори эзгу ишларга йўл очди. Ушбу муҳим ҳужжатлар асосида кўплаб туман ва шаҳарлар азалий номлари билан аталадиган бўлди. Шунингдек, тарихий аҳамиятга эга бўлган ҳудудлар номи қайта тикланди. Исмларни миллий шаклда ёзиш имконияти юзага келди. Бу борада Э.Бегматовнинг «Ўзбек исмлари луғати» китоби муҳим манба ҳисобланади. Унда 14 минг 600 та исм жамланган. Булардан ташқари, турли соҳалар бўйича терминологик луғатлар чоп этилиб, бу борадаги муаммолар ҳал этилди. Маълумки, тил ривожида луғатларнинг алоҳида ўрни бор. Шуни ҳисобга олган ҳолда бир қатор луғатлар яратилдики, «Ўзбек тили этимологик луғати» ана шундай бебаҳо манба ҳисобланади. Унда соф ўзбекча сўзлар жамланган. «Ўзбек тилининг мукаммал изоҳли луғати»да эса 80 мингдан ортиқ сўз ва иборалар ўз аксини топади.

Шунингдек, академик А.Ҳожиевнинг «Термин танлаш мезонлари», «Тилшунослик терминлари изоҳли луғати», А.Қосимовнинг тўрт жилдлик «Тиббий терминлар изоҳли луғати» китоби муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилади. Айниқса, бу борада «Фалсафа қомусий луғати», «Юридик атамалар қомусий луғати», «Мустақиллик луғати», «Фалсафий терминлар изоҳли луғати» каби китоблар яратилдики, буларнинг ҳар бири давлат тилининг нуфузини оширишда, унинг қўлланиш кўламини кенгайтиришда бебаҳо манба ҳисобланади.

Тарихий шарт-шароит, анъаналарга асосан кўп миллатли ҳудудимизда турли миллат ва элатларга мансуб тиллар ривожига ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Бу тарихий ҳақиқат ва қонуният бугунги кунда давлат сиёсатига айланиб бораётгани ўзига хос рамзий маънога эга. Демократик ҳуқуқий давлат барпо этилаётган юртимизда турли миллатга мансуб фуқаролар ҳаётида бу ижобий ўзгаришлар ясаши табиий ҳолдир. Кўп миллатли юртимиз фуқароларини ягона ғоя ва мустақилликни мустаҳкамлашдек улуғ мақсад йўлида бирлаштиришда давлат тили билан бир қаторда миллий тиллардан оқилона фойдаланиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

Шу билан бирга давлат тилини қўллаш борасида ечимини кутаётган муаммолар ҳам борки, уларни вақтида ҳал этиш ҳар биримиз учун ҳам фарз, ҳам қарздир.

Тил – буюк қудрат. Миллий тилни асраб-авайлаш ва камолга етказиш эса ҳар биримизнинг бурчимиздир.

**А.ҚОДИРОВА,**
**«Ишонч» мухбири**

*Йиғим-терим ва касаба уюшмалари*

***Сирдарё пахтачилиги тарихида анчадан буён кузатилмаган ютуқ қўлга киритилди. Бу муваффақият қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислоҳотлар самараси, ерни ўз эгаси қўлига топшириш борасидаги изланишлар маҳсулидир.***

***Йил бошидан далада ишлаётганларга ҳақ тўлаш, ҳар бир юмуш ўз фурсатида рағбат топгани ҳам ютуқлар омили бўлди. Бошқача айтганда, чўлқуварлар ер эгаси, мулк соҳиблигини чуқур англаб, даромад калити меҳнатда эканлигини ҳис этиб туришди. Яна бир жиҳат. Вилоятдаги давлат ва жамоат ташкилотлари, аҳолининг барча қатлами ягона мақсад сари сафарбар этилди. Йиғим-терим асносида меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш, моддий кўмак кўрсатишга алоҳида ўрин берилди. Буларнинг бариси Сирдарёнинг 248 минг тонналик улкан хирмони қад ростлашига замин яратди.***

***Хўш, шу ўринда касаба уюшма иштироки нечоғлик кўзга ташланди. Пахтакору-ҳашарчиларга етарлича шарт-шароит яратиш, уларни ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда жамоат ташкилоти ўрни қандай бўлди?***

# ЧЎЛҚУВАРЛАР ИНТИҚ КУТГАН КУН



**Камолиддин ОҚБЎТАЕВ, Сирдарё вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раиси.**

- Мавсумнинг ўзига хос масъулияти бор. Айниқса сермашаққат пахта йиғим-терими катта меҳнат, уюшқоқликни талаб этади. Шу боис долзарб дамлар касаба уюшмалари зиммасига ҳам алоҳида вазифалар юклади.

Хусусан, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг вилоят пахтакорларига эътибори, жамоат ташкилоти вакилларининг маҳалла ва қишлоқ аҳли сафида бўлиши алоҳида кўтаринкилик бахш этди. Меҳнаткашларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган махсус йўриқномалар асосида рағбатлантириш ташкил этилиб, ҳашарчилар тўла сафарбарлиги таъминланди.

Ташкилотчиликка кўп нарса боғлиқ, дея бежиз айтишмайди. Вилоят ҳокимлигининг илк кунларданоқ қўлда терилган бир килограм пахта ҳосили учун даставвал 50 сўм, кейинчалик 60 - 80 сўмгача миқдорида ҳақ тўлаш ташаббуси билан чиққани, бу ҳаракат фермерлар томонидан маъқуллангани юксак унумдорликка хизмат қилди. Ҳар беш иш кунида терим фаоллари рағбатлантириб борилди. Ўрни келганида кўмакка келган республика касаба уюшмалари ташкилотлари мирзачўллик теримчилар меҳнатини баҳолашга 26 миллион сўмдан зиёд миқдорда маблағ сарфлаганини эътироф этиш даркор.

Касаба уюшмалари маҳалла қўмиталари билан бақамти туриб, бўш аҳоли ва уй бекаларини теримга жалб этиш ҳаракатида бўлишди. Юқори ташкилотчилик, ташаббус кўрсатган маҳалла қўмиталари касаба уюшмалари томонидан 3 та рангли телевизор, пул мукофотлари билан тақдирланди. Ҳашарчиларни далага жалб этишда фойдаланилган транспорт воситаларининг 5 миллион 283 минг сўмлик хизмат ҳақлари тўлаб берилди. Илғор теримчилар касаба уюшмалари тармоқ Марказий қўмиталари томонидан 19 миллион 320 минг сўм миқдордаги маблағ билан рағбатлантирилиб, дала меҳнаткашларига 1 миллион 150 минг сўмлик кийим-кечак тухфа этилди.

Шаҳардаги 8 та маҳалла қўмита оқсоқоллари, фаоллари билан ҳамкорликда иш олиб борилди. Ҳашарчи-теримчиларга шарт-шароит яратиш борасида қайғурилди. Тармоқ қўмиталари илғорларни рағбатлантириш, иссиқ-овқат, транспорт воситалари билан таъминлашга 5 миллион сўмдан ошиқ миқдордаги маблағ сарфладилар.

Вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раёсати қарори билан тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, ҳудуддаги барча қўмита, вакиллик ва бошланғич ташкилотлар олдига вазифалар юкланди. Улар соҳа ходимлари моддий манфаатдорлигини ошириш пайида бўлишди. Ҳашарчиларни мавсумий ётоқхона, иссиқ овқат билан таъминлаш ҳамда рағбатлантириб боришда узилишларга йўл қўйилмади. Теримчи мураббий ва талабалар учун таълим ва фан ходимлари вилоят қўмитаси 1,5 миллион, касб-ҳунар таълими бошқармаси 200 минг, Гулистон давлат университети 400 минг сўм миқдоридаги мукофот жамғармаси таъсис этди.

Фермерлар ва ҳудудий касаба уюшма ташкилотлари ўртасида тузилган жамоа шартномасида ҳам меҳнаткашларни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Қуйи ташкилотлар меҳнат майдонида илғорларни аниқлаш, беллашув ва баҳсларни ташкиллаштириш пайида бўлдилар.



Вилоятимиздаги ўндан зиёд бадиий жамоалар пахтакорлар хизматига сафарбар этилди. Деярли ҳар куни далада ишлаётганлар маданий-маиший тадбирлар билан қамраб олинишига эришилди. Чўлқуварлар дам олишига мазмун киритиш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан мамлакатимиздаги таниқли санъаткорлар гуруҳларининг чиқишлари уюштирилди. Халқимизнинг бир жон, бир танлиги, ҳал қилувчи паллада елкадошлиги амалда ўз исботини топди.

**Юсуф ЎТАГАНОВ, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Гулистон туман кенгаши раиси.**

- Ютуқнинг ўзи келмайди. Унинг замирида катта меҳнат, уюшқоқлик ётади. Туманимизда теримнинг илк кунлариданоқ 19 минг нафардан зиёд ҳашарчилар белга этак боғлади. Мавсум муваффақиятини таъминлаш учун 183 та гуруҳ ташкил этилди. Ҳашарчиларга шароит яратиш назоратини касаба уюшма ўз зиммасига олди. Ҳақ тўлаш масаласида қатъий назорат ўрнатилиб, бир килограм пахта учун 50 - 60, иқтисодий бақувват хўжаликларда 80 сўмгача берилди.

11200 гектар майдонда деҳқончилик қилган гулистонлик пахтакорлар хирмонга 26670 тонна "оқ олтин" тўкдилар. Ҳосилдорлик гектар бошига 25,5 центнерданни ташкил этди. Кейинги олти йиллик қолоқлик бартараф этилди. Ҳудуддаги "Мирзамиддин ота", "Ёшлик", "Давкар", "Саидакбар" фермер хўжаликлари гектарлар самарадорлигини 30 - 35 центнерга етказишди.

Меҳнат натижаси албатта манфаатдорлик билан ўлчанади. Дастлабки ҳомчўтларимизга кўра бу йил биргина пахтачиликдан 7 миллиард 472 миллион сўм даромад кутилаяпти. Ана шу маблағнинг 1 миллиард 577 миллион сўми соф фойда. Аммо туманимиз мулкдорлари бу билан чегараланиб қолишмоқчи эмас. Зиммаларига катта вазифа, яъни гектарлар ҳосилдорлигини 27 центнерга етказиш, режадан ошиқ 700 миллион сўмлик маҳсулот сотишни кўзлашмоқда. Чунки ҳали ҳаво очиқ, далада ҳосил бор.

**Абдуғани РАИМОВ, Сардоба туманидаги "Раим ота" фермер хўжалиги раҳбари.**

- Ғалвир сувдан кўтарилганда, ҳаловат, оромни унутамиз. Ахир биз майдонга бел боғлаб чиққанмиз. Ер олдик, ишончни ҳам оқлашимиз керакда. Бу йил 20 гектар майдонга пахта экиб, астойдил ишладик. Муддаомиз ҳар гектар ердан 25 центнердан хирмон кўтариш эди. Чаноқлар очилган чоғда теримга киришдик. Ходимлар моддий манфаатдорлигини ошириш ҳисобига юқори унумдорликка эришиш асосий муддаомиз бўлди. Пахта йиғим-теримининг илк кунларидан қўлда терилган ҳар юз килограм "оқ олтин"га пахта ёғини қўшимча тарзда бериб бордик.

Ўта қисқа фурсатларда довон забт этилди. Ҳосилнинг ҳаммасини юқори наvларга сотдик. Даромадимиз мўмай. Эндиликда бу йилги фойдадан далада ишлаётган ҳар бир ишловчига биттадан рангли телевизор туҳфа этишни ўйлаб турибмиз. Ахир жамоа эришган ютуқ ана шу аъзоларимиз саъй-ҳаракати натижасида қўлга киритилди.

## Сирдарё вилояти

**Анвар ЖАВЛОНОВ, Республика Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий кенгашининг Оқ олтин туманидаги вакили.**

- Пахтакорларга камарбаста бўлиш фуқаролик бурчимиз. Мавсумда мураббийлар ва илм толиблари ҳам баҳоли қудрат ҳисса қўшишга интилди. Соҳа ходимларининг 2700 нафари деҳқонларга кўмакдош бўлдилар. Туман ҳокимлиги ва касаба уюшма ҳамкорлигида юқори меҳнат унумдорлигига эришган ҳашарчиларга 3 та телевизор, 2 та гилам, 5 та соат туҳфа этилди. Бундан ташқари Б.Укубоев, С. Сиддиқов номли деҳқон фермер хўжаликлари уюшмалари фермерлари томонидан қарийб бир миллион сўм атрофида рағбатлантириш ташкиллаштирилди.

Пахта теримидан маблағ топган жамоалар анча. Масалан, 8-мактаб 3 миллион, 3-мактаб 1,5 миллион, 11-мактаб 2,5 миллион миқдорида пул ишлаб олди. Тумандаги 18 та мактаблар ҳисоб рақамига жами 15 миллиондан ошиқ маблағ тушириб берилди. Бу маблағ таълим даргоҳлари ички муаммоларини ҳал этиш, мураббийлар ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга сарфланиши кўзда тутилаяпти. Пахтакорга мададкор бўлиб сира ютқазганимиз йўқ.

Мирзачўл миришкорлари мавсумдан мамнун бўлишаяпти. Энг муҳими даромад чўғидан кўнгиллар тўлди. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра вилоят бўйича ялпи даромад миқдори 64 миллиард 132 миллион сўмни қоралаётган бўлса, унинг 13 миллиард 841 миллион сўмини соф фойда ташкил этади. Ишлаб топилган маблағ қўриқнинг янада гуллаб-яшнашига, хонадонлар обод бўлишига хизмат қилиши шубҳасиз.

**Н.ШАМСИЕВ,**
**"Ишонч" мухбири**

# АНЖУМАНГА ЭНГ ЯХШИ ТУҲФА

***Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари ҳамда Алоқа ходимлари касаба уюшма Марказий кенгашларининг раҳбарлари Сирдарё туманидаги Бахт шаҳри маҳаллаларида истиқомат қилаётган аҳолини пахта йиғим-теримига жалб этиш, илғорларни мукофотлаш борасида кўпгина ишларни амалга оширдилар. Ушбу муҳим тадбирни кўнгилдагидек ўтказиш учун дастлаб шаҳардаги "Дўстлик", "Тинчлик", "Баҳор" ҳамда "Ёшлик" маҳаллаларида яшайдиган фуқароларнинг таркиби таҳлил этилди.***



Ҳашарчилар учун пахта далаларида чой, иссиқ овқат ташкил этилди. Уларнинг иш ҳақлари маълум бир вақтда тўланиши қатъий назоратга олинди. Далага бориш ҳамда қайтиш учун транспорт ажратилди.

- Аҳолини пахта теримига жалб этиш ишлари шаҳар ҳокимияти билан баҳамжиҳатликда амалга оширилганлиги ўзининг яхши натижаларини берди, - дейди Ўзбекистон Алоқа ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши раиси Тоҳир Назаржонов. - Маҳалла катта куч. У тўғри йўлга солинса, улкан ишларни амалга ошириш мумкин. Биз ўз фаолиятимизда бунга яна бир марта ишонч ҳосил қилдик.

Илғор теримчилар ҳар беш кунлик якунлари бўйича муттасил рағбатлантириб борилди. Бунинг устига шу йилнинг 1 октябридан бошлаб терилган ҳар бир килограм пахта учун 60 сўмдан тўлаш жорий этилди.

Мавсум бошидан буён ҳашарчиларнинг 95 нафарига қимматбаҳо совғалар - гилам, рангли телевизор, радиоприёмниклар топширилди. Бундай рағбатлантиришлар беиз кетмади. Масалан, "Дўстлик" маҳалласида яшовчи Лутфи Шодиева оила аъзолари билан мавсум бошидан буён 5 минг 500 килограм пахта териб берди. "Баҳор" маҳалласида истиқомат қилувчи Шоймқул Саидқуловнинг ҳам уйган хирмони 4 минг килограмдан ортди. Юксак кўрсаткичлари учун Лутфи Шодиева ҳамда Шоймқул Саидқуловлар рангли телевизорлар билан тақдирланишди. Илғор теримчилардан Отахон Пўлатов, Нурмамат Саидбоев, Нурмуҳаммад Ризаев, Фотима Бастимова, Иззат Қўзиев ҳамда Гулзира Тастанбековалар ҳам муносиб рағбатлантирилди.

Бу юмушда касаба уюшма ташкилотларига маҳалла фуқаролар йиғини раислари яқиндан кўмаклашишди. Мана шундай камарбасталиги учун "Ёшлик" маҳалласининг етакчиси Холдор Ўрозбоев ҳам рангли телевизор эгаси бўлди.

Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши томонидан Мирзаобод туманидаги Т. Аҳмедов номли ширкат хўжалигида пахта тераётган тармоқ меҳнаткашлари муносиб рағбатлантирилдилар. "Сирдарёэлектртармоқлари" очиқ акциядорлик жамияти ходимларидан беш нафари эсдалик совғалари билан тақдирланишди. Сайхунобод туманидаги Шўрўзак ширкатлар уюшмасида пахта тераётган Сирдарё почтаси филиалининг беш нафар теримчиси Алоқа ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши томонидан шундай рағбатга сазовор бўлишди.

**Н.РАФИҚОВ,**
**"Ишонч" мухбири**

# ПАХТАЗОРДА УЧРАШУВ

***Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси вакилларидан бир гуруҳи Гулистон тумани пахтакорлари ҳузурида бўлди.***

Туманда пахта топшириш йиллик режаси ортиғи билан адо этилиб, қабул пунктларига 26 минг 670 тоннадан ортиқ сифатли хомашё етказиб берилди. Ҳосилдорлик гектарига 25,5 центнерданга тўғри келди. Бу ютуқда ҳар гектар майдондан 30-35 центнердан ошириб ҳосил олган «Мирзамиддин ота», «Ҳасан-2», «Ёшлик», «Довкар», «Саидакбар» фермер хўжаликлари пахтакорларининг ҳиссаси катта бўлди.

Туман пахтакорлари терим суръатини бир муддат ҳам сусайтирганлари йўқ. Бу борада уларга «Мадад» гуруҳи аъзолари яқиндан ёрдам бермоқда. Нафақадаги аёллар ташаббуси билан ташкил этилган бу гуруҳ аъзоларининг сони қарийб олти минг нафарни ташкил этади.

Улуғбек деҳқон-фермер хўжаликлари ҳудудий уюшмаси дала шийпонида «Мадад» гуруҳи теримчилари билан Республика Хотин-қизлар қўмитаси вакилларининг учрашуви бўлиб ўтди. Теримчиларга қўмита вилоят бўлимининг совғалари топширилди. Уларга бағишланган концерт дастури намойиш этилди.

«Интер-сок» Россия-Англия-Ўзбекистон қўшма корхонаси мамлакатимизда етиштирилган сархил мева-сабзавотларни қайта ишлашга ихтисослашган. Швециянинг «Тетрапак» линияси кўмагида «Фуруктовий сад» маркаси остида қадоқланаётган ўнга яқин турдаги бу мазали табиий шарбатлар ички ва ташқи бозорда ўз харидорини топмоқда.

## ХАЙРЛИ ҚАДАМ

- Яқинда юз фоиз маҳаллий хомашё - асосан анор ва узум ҳамда қисман бошқа мевалар аралашмасидан тайёрланган шарбатлар ишлаб чиқаришни бошлаймиз, - дейди корхона бош директори Юрий Нуритдинов. - Ўшанда яна эллик нафар йигит-қиз ишли бўлади. Шунингдек, чет элга экспорт қилиниши кўзда тутилаётган маҳсулотларимиз тури ҳам кўпаяди.

***Сергели туман меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими туман ҳокимлиги, халқ таълими бўлими, «Маҳалла» жамғармаси ҳамда хотин-қизлар қўмитаси билан биргаликда навбатдаги меҳнат ярмаркасини ўтказди.***

## ЮЗ КИШИ ишли бўлди

Унда йигирмата корхона 250 дан ортиқ бўш иш ўрни билан қатнашди. Шунингдек, 46 та ташкилот ва муассаса томонидан 700 дан ортиқ вакант лавозимлар борлиги тўғрисида берилган маълумот ҳам тақдим этилди.

- Бугунги талабгорлар орасида хотин-қизлар кўпчиликни ташкил этди, - дейди Сергели туман меҳнат бўлими бошлиғи Холида Низамова. - Иш излаб келганларнинг юз нафарга яқини ўз иш ўрнини топди. Йигирма нафарга яқин йигит-қиз касб-ҳунар ўрганишга юборилди.

# ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

**Польша бош вазири Марек Белька истеъфога чиқишини маълум қилди. РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси хабарига қараганда, жорий йил 25 сентябрида Сеймга (парламентга) ўтган сайловда сўл кучларнинг мағлубияти унинг шундай қарорга келишига сабаб бўлган.**

**Президент Александр Квасьневский парламентда энг кўп ўрин эгаллаган «Қонун ва адолат» партияси раҳбари Казимеж Марчинкевични ҳукумат раиси лавозимига тайинлаши кутилмоқда.**

* * *

*Токио шаҳрида анъанавий «Мотор-шоу» кўргазмаси очилди. Унда дунёнинг етакчи компаниялари ишлаб чиқарган сўнгги русумдаги 571 автомобил намойиш этилмоқда.*

*Ёнилғи тежаш ва бензиндан фойдаланишни камайтириб бориш муаммоси автокўргазманинг бош мавзуси сифатида қабул қилинди. Шу боис бу ерда кўпроқ водород ва электр билан, шунингдек, ҳам электр, ҳам бензинда ишловчи гибрид двигателли автомобиллар намойиш этилмоқда.*



* * *

**Нью-Йорк хомашё биржасида нефть яна арзонлашгани кузатилмоқда. Унинг 1 баррели 63,20 АҚШ долларига баҳоланди. Душанба куни бу кўрсаткич 64,36 долларга тенг бўлган эди.**

**«Қора олтин» қийматининг ўзгаришига Тинч океани томонидан яқинлашиб келаётган «Вильма» тўфони Мексика кўрфазига хуруж қилмаслиги тўғрисидаги хабар сабаб бўлди.**

* * *

*Танзанияда авиация ҳалокати рўй берди. «Сессна С-206» самолётининг қулаб тушиши оқибатида британиялик 4 нафар сайёҳ ва канадалик учувчи ҳалок бўлди. Ҳалокат сабаблари текширилмоқда.*

**(ЎзА)**

*Эъзоз*





**Кўпинча ўқитувчини боғбонга қиёслаймиз. Экилган дарахт вояга етгач, албатта унинг мевасидан эл-юрт баҳраманд бўлади. Боғбон каби қувончдан юзлари порлаган муаллим чеҳрасига ҳеч боққанмисиз?**

# ИНСОН РУҲИЯТИ МУҲАНДИСЛАРИ

Холмурод Алиқулов қарийб 30 йилдирки, ёшларга физика фанидан сабоқ бериб келади. У меҳнат қилаётган Қарши туманидаги Усмон Носир номли мактабда 1200 нафардан ортиқ ўқувчи таълим олмоқда. Аҳил жамоанинг изланишлари самараси ўлароқ, мактабда рейтинг кўрсаткичлари юқори ўринда туради.

– Нарзи Шарипов, Турсунпўлат Жуманов, Қувват Рўзимуродов, Чори Аслонов сингари олимлар ҳам шу мактабда таълим олиб, айни пайтда олий ўқув юрти талабаларига сабоқ бермоқдалар, – дейди мактаб директори Абдужалил Ҳусанов. – Холмурод Алиқулов ҳам ўзининг тиришқоқлиги, билимдонлиги билан жамоамиз назарига тушган.

«Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури» асосида билим олаётган ўқувчилар фанларни чуқур ўзлаштириш билан бирга жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этишаяпти.

Мактаб ҳовлисига киришингиз билан нигоҳингиз турфа рангдаги гулларга тушади. Бу гулзор Гулнора Аслонованинг саъй-ҳаракати билан барпо этилган.

**Ш.СУЛТОНОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

***Суратларда: 1.Муаллим Гулнора Аслонова дарсдан бўш пайтларда гулларни парваришлашни яхши кўради. 2.Холмурод Алиқулов ёшларга фан сирларини қунт билан ўргатмоқда.***

# «УЛ ГУЛ КЎЙИДА»

*Бир ғазал шарҳи*

***Не кўрай тўбийни қадди хушхироминг борида?!***
***Не қилай сунбулни хатти мушкфоминг борида?!***

***Ким Хизр суйин оғизлағай лабингнинг қошида?!***
***Ким Масиҳ анфосидин дегай каломинг борида?!***

***Ошиқингни давлативаслинг била қил муҳтарам,***
***Ҳусн аҳли ичра мунча эҳтироминг борида!***

***Биздин айру доим эл бирла ичарсен бодани,***
***Бизни ҳам гоҳи соғин шурби мудоминг борида!***

***Эй кўнгул, гар ғайр сўзи заҳри қотилдур, не ғам,***
***Лабларидин шарбати юҳйил-изоминг борида.***

***Тарки номус айлабон бадном бўлғил ишқ аро,***
***Ким сени ошиқ дегай номусу номинг борида?!***

***Бобур, ул гул кўйида булбул киби топтинг мақом,***
***Бир навое рост қил мундоқ мақоминг борида.***

Заҳириддин Муҳаммад Бобур шеърлари мавзу-ғоясининг ҳаётийлиги ва туйғу-кечинмаларининг самимийлиги билан мумтоз шоирлар ижодидан фарқланиб туради. У шеър тилини соддалаштириш, ифода тарзини оддийлаштириш, унга ҳаётий мавзуларнинг самимий тасвирини олиб кириш билан адабиётни халққа яқинлаштирди, унга халқчиллик бағишлади. Биз унинг кундалик воқеликдан таъсирланиб ёзган шеърларига ўрганиб қолганмиз. Ҳолбуки, шоирнинг буюк салафлари таъсирида, уларга эргашиб ёзган анъанавий усулдаги шеърлари ҳам кўпки, мазкур ғазал шулар жумласидандир. Анъанавий ишқу ошиқлик мавзуида ёзилган ушбу ғазалда илоҳий ва мажозий муҳаббат тараннуми ажойиб бир тарзда бир-бирига омухталашиб кетган:

***Не кўрай тўбийни қадди хушхироминг борида?!***
***Не қилай сунбулни хатти мушкфоминг борида?!***

Бу ерда тўбий (ёки тўбо) - жаннатдаги ранг-баранг мевали ва хушбўй серсоя дарахт. Хушхиром - хушрафтор, чиройли юрадиган, гўзал ҳаракатланадиган, халқ таъбири билан айтганда, майдақадам. Сунбул - пиёзгулдошлар оиласига мансуб ўсимлик. Ингичка баргли, гуллари ҳалқа-ҳалқа, қўнғироқсимон ва хушбўй. Маъшуқанинг сочи ҳалқа-ҳалқа ва муаттар ҳид таратиш жиҳатидан унга ўхшатилади. Хат - қизларнинг лаби устидаги майин туклар. Мушкфом - мушкранг, қора рангли, қора. Мушк - қора рангли хушбўй модда.

Байтдаги барча сўзларнинг маъносини ойдинлаштириб олгач, энди унинг мазмуни қуйидагича тус олади: "Сенинг чиройли юришинг, келишган қаддинг турганда, жаннатдаги гўзал тўбий дарахтининг нимасига қарайман? Мушк ҳидли хаттинг қошида сунбулни нима қиламан?».

Қадду қомат деб тасаввуф адабиётида ваҳдат оламига таважжуҳ этишни, илоҳий маҳбубанинг ўзига жалб қилишини айтадилар.

Хат - олами кибриё, яъни руҳлар оламига ишора. Илоҳий жамол билан боғлиқ барча ҳақиқат ва маънилар маъшуқанинг юзидаги гўзал ва нозик хатларда ифодаланганки, унга боқиб, ваҳдат ва касрат оламини, яъни илоҳий ва моддий оламни мушоҳада қилиш мумкин.

***Ким Хизр суйин оғизлағай лабингнинг қошида?!***
***Ким Масиҳ анфосидин дегай каломинг борида?!***

Мумтоз адабиётда маъшуқанинг жонбахш лабини - оби ҳаётга, лаби атрофидаги майин туклар, яъни хатини - оби-ҳаёт теграсидаги майсага, қора сочларини - оби ҳаёт чашмаси яширин зулматга ўхшатиш бир анъана тусини олган. Нафаси ошиғига ҳаёт бағишлайдиган маъшуқа эса ўликни тирилтирадиган Исо Масиҳга нисбат берилади.

Бобур таърифидаги маъшуқа шунчалик юксакки, унинг лаби қошида ҳеч ким Хизр суви - оби ҳайвондан сўз очмайди. Унинг жон ато этувчи каломи олдида биров Масиҳ сўзларини тилга олмайди.

Ўз-ўзидан савол туғилади: келишган қадду қомати жаннатдаги тўбий дарахтини доғда қолдирадиган, жонбахш лаби олдида биров Хизр топган мангулик сувини тилга олишга ботинмайдиган, унинг каломи янграганда ҳамма Масиҳ сўзларини унутадиган бу маъшуқа ким бўлди экан? Табиийки, у - илоҳий маҳбуба, яъни Оллоҳ! Чунки исломий адабиётда дунё гўзали ҳатто муболаға йўсинида ҳам жаннатнинг дарахтидан-у, Оллоҳнинг пайғамбарларидан устун қўйилмайди. Ғазалнинг тасаввуфий мазмунда эканлиги ҳам фикримизни яққол тасдиқлайди.

***Ошиқингни давлати васлинг била қил муҳтарам,***
***Ҳусн аҳли ичра мунча эҳтироминг борида!***

Илоҳий маҳбуба дунё гўзалларининг султони ҳисобланади. Дунё гўзаллари унинг жамолию камолини ўзида акс эттирган мазҳар эканликлари учун ҳам ўзлари улги олган зотни беҳад эҳтиром этадилар. Шунинг учун ҳам ошиқ шоир айтадики: «Ҳусн аҳли орасида шунча ҳурмат-эҳтироминг борида васлинг давлатига етказиб, ошиғингни сарафроз этсанг бўлмайдими?»

***Биздин айру доим эл бирла ичарсен бодани,***
***Бизни ҳам гоҳи соғин шурби мудоминг борида!***

Бода - майнинг номларидан бири бўлиб, тасаввуф адабиётида ишқ ва ирфон (маърифат) рамзи бўлиб келади.

Бу дунёда илоҳий маҳбубанинг васлидан бебаҳра ошиққа маъшуқаси бошқаларга эътибор кўрсатаётганга ўхшаб туюлаверади. Шунинг учун ҳам мумтоз шеъриятда маъшуқанинг ўзининг чин ошиғига бевафолигию рақибга меҳру муҳаббати мавзуси кўп учрайди. Сўфийлар яна маъшуқа, одатда, ошиғига уни синаш учун жафою рақибига вафо қилади, деган фикрни илгари сурадилар. Буни кенгроқ маънода нодоннинг бу дунёсини бериб, дононинг улушини у дунёга олиб қўйганлиги билан ҳам изоҳлаш мумкин. Чунки Ҳақнинг содиқ қуллари бу дунёда ранжу машаққат тортиб, шайтонни дўст тутганлар айшу ишратда яшайдилар-да!

Бобурнинг мазкур байти ҳам шу мазмунда: «Ҳамиша мени ажратиб қўйиб, эл билан май ичасан, қадаҳингдаги майинг тугамай туриб, бизга ҳам бир улуш берсанг-чи?».

***Эй кўнгул, гар ғайр сўзи заҳри қотилдур, не ғам,***
***Лабларидин шарбати юҳйил-изоминг борида.***

Бу ерда ғайр - бегона. Бегона - тариқат йўлига кирмаган, сайру сулукни ўтмаган киши. Лаб - сўфийлар истилоҳотида маънавият оламидан анбиёга малаклар воситасида, авлиёга эса илҳом орқали нозил бўладиган калом. Шунингдек, пирнинг илоҳий маърифатга кон сўзи ва бу жонбахш каломнинг мазмуни ҳам кўзда тутилади. Юҳйил изом - суякларни тирилтириш.

Байтнинг мазмуни: «Эй кўнгил, маъшуқанинг лабларидан (ҳижрон ғамидан ўлган жисмингга) қайта жон бахш этувчи шарбатни тотар экансан, бегоналарнинг заҳри қотил каби сўзларидан ташвишланмасанг ҳам бўлади». Ёки: «Эй кўнгил, сен илоҳий маърифат файзидан баҳраманд бўлар экансан, бу ишқдан бехабар ғофил оломоннинг паст-баланд гап-сўзларига парво қилма». Яна: «Эй кўнгил, пири комилнинг илоҳий маърифат сирларидан хабар берувчи жонбахш каломи турганда ҳар турфа жоҳил кимсаларнинг таъна-маломатларига эътибор берма».

***Тарки номус айлабон бадном бўлғил ишқ аро,***
***Ким сени ошиқ дегай номусу номинг борида?!***

Оддий инсоний севгида ор-номусни йўқотиш қораланса, илоҳий ишқда бу ҳол улуғланади. Мажозий ва ҳақиқий ишқ йўлидаги тафовутлардан бири худди шунда намоён бўлади. Чунки илоҳий маҳбубани ақл идрок этолмайди, уни фақат кўнгил билан дарк этиш мумкин.

***Бобур, ул гул кўйида булбул киби топтинг мақом,***
***Бир навое рост қил мундоқ мақоминг борида.***

Мазмуни: «Эй Бобур, булбулнинг қисмати гул ишқида ошиқлик бўлгани каби, сен ҳам у маъшуқага боғланиб қолдинг. Бас, шундоқ мақоминг борида бир рост - чинакам наво қил, яъни бу ишққа бағишланган ҳақиқий шеърингни ёз!».

Бу ерда рост сўзи икки маънода келаяпти: биринчиси - бир ҳақиқий наво қил, яъни чинакам шеър ёз, иккинчиси - шашмақомнинг шўъбаларидан бири ҳам «Рост» деб аталиб, шу мақомни ижро этишга ишора қилинмоқда. Айни пайтда, мақом сўзининг ўзи ҳам икки маънони билдираяпти: макон, манзил ва мусиқада куйнинг бир тури (бу ерда: «Рост» мақоми).

Маълум бўладики, Бобур ижодида тасаввуфий маънодаги байтларгина эмас, балки бошдан-оёқ сўфиёна мазмундаги ғазаллар ҳам мавжуд экан. Бир томондан, нақшбандия хонадонига бўлган оилавий ихлос-эътиқоди ва «иродат нисбати» (Нисорий), иккинчидан, ўзига ном қўйган Хожа Аҳрор Валий ва унинг шогирдлари - Мавлоно Қози ва Махдуми Аъзамга чексиз ҳурмат-эҳтироми, учинчидан, анъана, яъни мумтоз шеъриятдаги сўфиёна шеърлар таъсири, табиийки, буюк жаҳонгашта шоирни ҳам четлаб ўтмаган.

**Эргаш ОЧИЛОВ,**
**филология фанлари номзоди**

# МИНИ-ФУТБОЛ ТУРНИРИГА МАРҲАМАТ!



«Сиҳат-саломатлик йили» Давлат дастурида белгиланган соғлом турмуш тарзи ва саломатликни тарғиб қилиш мақсадида «Спорт» ва «Ўзбекистон футболи» газеталари таҳририяти шу йилнинг 1-7 ноябр кунлари журналистлар ўртасида ўзбек футболининг фидойиси Олимжон Акбаров хотирасига бағишлаб мини-футбол бўйича турнирини Тошкент шаҳрида ўтказади.

Ғолибларни бир неча номинациялар бўйича диплом ва катта мукофотлар кутмоқда. Унда қатнашишни истаган таҳририятлар жамоалари 2005 йилнинг 25 октябрига қадар 9 нафар футболчи ва бир нафар мураббий исми-фамилияси ёзилган рўйхатни қуйидаги манзилга етказиши керак:

**Тошкент шаҳри, Эшон Бобохон кўчаси, 67-А-уй.**

**«Спорт» ва «Ўзбекистон футболи» газетаси таҳририяти.**
**Тел: 144-17-37, 144-06-69 (факс)**

*Турфа олам*

Тамға босиш узоқ ўтмишга эга. Шарқшунос олимларнинг фикрига кўра, тамға ёки «тавро» инсонлар ҳали бир-бирлари билан имо-ишора ва шартли белгилар ёрдамида сўзлашган даврлардаёқ мавжуд бўлган экан.

## ТАМҒА БОСИШ ТАРИХИДАН

Ўрта Осиёда тамға босиш тарихи ҳақида билдирилган фикрга биноан, қадимий турк ҳукмдори Уғрузхон турк замонида тамғалаш усули кенг тарқалган. Ўз отаси Қорахонни ўлдириб Туркистонга ҳокимлик қилган ҳамда қатор бошқа мамлакатларни забт этган Уғрузхоннинг олти нафар ўғли бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз махсус тамғасига, яъни муҳрига эга эди. Тамғага ҳар бир ўғилнинг чорваси ва бошқа мол-мулкини бошқаларникидан фарқловчи белгилар туширилганди.

Ўрта асрларда тамға босиш Қрим ва Олтин Ўрда хонлигида кенг қўлланилган. Кейинчалик бу усул Туркия ва Россия каби мамлакатларга ҳам ёйилган.

Ҳозирги рус тилидаги «таможня» (божхона) сўзи ҳам аслида «тамға»дан олинган бўлиб, тамға босиладиган ёки назорат қилинадиган жой маъносини билдиради.

## ОКЕАНДА СУВ ҚАНЧА?

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ЮНЕСКО ташкилоти ахборотидан маълум бўлишича, Дунё океанидаги сув ҳозиргача ҳисоб қилинганидан оз ва ўзи анча саёз ҳам экан.

Тадқиқотлар океанда 1370 миллион куб километр сув мавжудлигини кўрсатарди. Бинобарин, ҳозирга қадар энциклопедияларда ва бошқа илмий манбаларда кўрсатилганидан 32 миллион куб километр кам, океаннинг ўртача чуқурлиги эса илгари келтирилган рақамдан 80 метр саёз экан.

Гарчи, юзаки қараганда бу тафовутлар аҳамиятсиздек туюлса-да, шуни унутмаслик керакки, 362 миллион куб километр сув 420 та Каспий денгиз сувига тенг, демакдир.

**А.АЛИЕВ**
**тайёрлади**

# РАКЕТАМОДЕЛЧИЛАР БЕЛЛАШУВИ

**Республика техник ва амалий спорт турлари марказидан хабар қилишларича, Қозоғистоннинг Бойқўнғир шаҳрида ракетамодел бўйича Жаҳон кубоги босқичи мусобақалари ўтказилди. Унда Ўзбекистон терма жамоаси спортчилари ҳам иштирок этди.**

- Саккиз нафар ракетамоделчидан иборат жамоамиз беллашувларда тўртта олтин ва бештадан кумуш ҳамда бронза медалларни қўлга киритди, - дейди Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти раиси ўринбосари Шариф Мўминжонов. - Бу мамлакатимизда спорт равнақига алоҳида эътибор қаратилаётгани ва спортчиларга зарур шарт-шароит яратиб берилаётгани самарасидир.

Шу кунларда рекетамоделчиларимиз келгуси йили Қозоғистонда спортнинг мазкур тури бўйича ўтказиладиган жаҳон чемпионатига тайёргарликни бошлаб юборишди.

**(ЎзА)**

*Турмуш чорраҳаларида*

# ХОСИЯТСИЗ ТУШ

**Ғалати туш кўрибди...**
**Ўнқир-чўнқир йўлдан бораётганмиш. Атроф ғира-шира. Шунда кимдир ёрдам сўраб кичқирибди. Қараса, Малоҳат. «Сенга нима бўлди?» деб сўрабди у. Малоҳат бўлса «уйимиз тутунга тўлди, юринг» дер эмиш. «Вой ўлмасам, ишқилиб ёниб кетмадими?» дебди у жон ҳолатда ва қизи кўрсатган томонга югураётиб қоқилиб тушибди.**

Бехосдан уйғониб кетди. Юраги гурс-гурс уриб, ҳозиргина кўрган тушини қайта хотирлай бошлади. Қизи Малоҳат нега ваҳимада юрибди? Уйида бирор ҳодиса бўлдимикан? Ёки яна анави кунгидек жанжал...

Лазокат ая буни эсласа ҳалиҳали хижолат тортади. Лекин кўнгли ғашланиб, ўша жанжал негадир ёдига тушаверади. Шанба куни эди. Қудасининг маҳалласидан бир бола велосипедда келиб уни чақириб кетди. Борса, ҳовлига қўни-қўшни тўпланган, деразаю, эшиклар очиқ-сочиқ, бир четда тугун-терсаклар уюлган, сал нарида қудаси Бибинор хола бошини чангаллаб йиғлаб ўтирар, айвони ёнида эса Малоҳат, сочлари тўзғиган, кўзларида саросима, ранги ҳам бир ҳолатда... Лазокат ая қўни-қўшниларга ажабланиб қаради.

Боядан бери бошини чангаллаганича йиғлаб ўтирган Бибинор хола қудасининг ҳол сўрашига жавоб ҳам қилмади.

— Қизим сизга озор етказган бўлса... айбини мен бўйнимга олдим, кечиринг айланай, кечира қолинг!

Бибинор хола қудасига ер остидан боқди, сўнгра ғазаб билан пичирлади:

— Қиз эмас, илон ўстирган экансиз! Шу уйга келганидан бери мени чаққани чаққан! Ичи тўла заҳар. Олиб кетинг уни уйингизга!

— Қиз буюм эмаски, қўлтиғимда қисиб олиб кетақолсам, қудажон. Буни ўзингиз ҳам яхши биласиз. Шу уй аҳли йиғилсин, нима бўлди, нима қўйди, билайлик, сўнг биргаликда ҳал қилайлик.

— Онажон, майли кетаман, бу уйни энди елкамнинг...

— Бас қил! - Лазокат ая қизини жеркиб ташлади.

Ота-бола бошлашиб уйга кириб келганида аҳвол ўша-ўша, фақат ҳовли юзига уюлган тугунларни Лазокат ая уй ичига киритиб у ёқ, бу ёқни йиғиштираётганди. Бири у деди, бири бу деди, хуллас, ҳаммаси Малоҳатни айблашди.

— Кекса аёлга гап қайтариб нима қилардингиз, келинпошша. Сизники маъқул деявермайсизми. Ахир чол-кампир ғанимат...

— Нуқул ойимларни ранжитадиган иш қиларкансан, ўзи!

— Бировнинг дилини оғритиш гуноҳ, келинпошша. Қайнона ҳам онадай гап. Онанинг қарғишидан қўрқмайсизми?

Оила бошлиғи Икромжон ака индамай ўғил-қизларининг гаплари тугашини кутарди. У аслида айб келинида эмас, мана шу «тили ўткир» аёлида эканини яхши биларди. Бироқ, буни ҳозир айтса, қизларидан нақ балога қолади. Бўшанглик қилиб тизгинини бериб қўйган, энди кеч...

— Ахир одамман-ку, мен ҳам гапирай! — Малоҳат ўрнидан даст турди, сўнг қайнонасига тик қараб деди:

— Айтинг, бирор марта сизга қаттиқ гапирдимми? То ўзингиз жонимни ҳиқилдоғимга келтирмагунингизча индамай туравераман-ку?! Ё ёлғонми бу, айтинг! Уч йилдирки, «ўғлим мен топган қизга уйланмай, кўчадан сени топиб келди», деб кўз очиргани қўймайсиз. «Овқат пиширишни билмайсан» деб камситдингиз индамадим, «рўзғор юритишга уқувинг йўқ» дедингиз, чидаб туролмадим. «Отанг ичкилик ичавериб ўлган, онанг асли касалманд» деб мен учун азиз кишилар шаънини булғаганингиздан сўнггина сизга ёпишдим, тўғрими, айтинг?! Гуноҳим нима ўзи?

— Малоҳат, жим бўл, - бурчакда ўтирган Лазокат ая қизига ўқрайиб қаради. — Тилингга эрк берма, болам. Бошқа гапирма. Қани, қудамдан кечирим сўра ҳозироқ! «Энди сизни ранжитмайман, кечиринг», деб айт! Мен ҳам уйимга тинчгина кетай. Қани бўл!

Онанинг товуши титраб кетди. Малоҳатнинг бояги шиддатидан асар ҳам қолмади. Қайнонасига ер остидан қаради.

— Мени кечиринг, ойи...

Қайнонанинг чиройи ёришди.

Шу охирги гап ҳаммани муросага келтирди. Катта опа дарров чой дамлади, кичиги дастурхон ясатди, Сиддиқжон новвойхонага чиқиб, бир даста нон кўтариб келди. Қариндош-уруғлар ҳеч нарса бўлмагандай ўтириб чой ичишди. Лазокат ая уйга қайтаркан, «хайрият, ҳаммаси яхшилик билан тугади», деб ўйлади.

Мана, орадан тўрт-беш ҳафта ўтиб, яна кўнгли ғаш, бугунги кўрган туши ҳозир унга ҳеч тинчлик бермаяпти. У Малоҳатни узатганидан бери, «қизим борган жойида тош қотса, уйимга аразлаб келмаса» деб ният қилади. Акс ҳолда... Лазокат ая ўзини асло кечиролмайди. Ҳа, кечиролмайди. Чунки, қайнонаси ўлими олдидан айтган гаплар унинг ҳаёлидан кетгани йўқ...

Лазокат оилада кенжа қиз эди, шунинг учунми тантиқроқ ўсди. Собирга турмушга чиққанида у эндигина ўн еттига қадам қўйганди. Катта ҳовли, юмуш кўп, қайнисингиллару қайниукалар ташвиши, қайнотанинг меҳмондўстлиги... Буларнинг ҳеч бири Лазокатга ёқмасди. «Алоҳида яшайлик», деб Собиржонни ўз ҳолига қўймасди. Собиржон эса ота-онасига меҳрибон, бошқа укаларидан шу жиҳати билан фарқ қиларди. Катта ука уйлангач, қайнота шаҳар марказидан янги уй олди. «Собиржон, сен ўша уйга кўчасан, келин-куёв бу ҳовлида яшашади» деди. Лекин қайнона бунга қарши чиқди. «Йўқ, янги келин пишиққина, рўзғорни ўзи эплайди, Лазокат бўш-баёвроқ, уни ҳали рўзғор ишига ўргатишим керак!» деб туриб олди. Хуллас, янги келин-куёв шаҳар марказига кўчиб кетишдию, бу ёқда Лазокат қайнонасини ёмон кўриб қолди! «Ҳеч қачон бу аёлнинг йўриғига юрмайман!» деб ўзига сўз берди.

Аслида ҳаммаси шундан бошланди...

Қайнона-келин ҳафталаб бирбирлари билан деярли гаплашишмас, фақат қариндош-уруғлар йиғилганда бир-бирига «анавини қаерга қўйгансиз?», «манавини қаерга оборай» дейишга мажбур бўларди.

Собиржон бўлса ўта юмшоқ кўнгил, ота-онасини еру кўкка ишонмас, ҳатто шу Лазокатгаям ҳеч қаттиқ сўзламас, гарчи айтишдан фойда йўқлигини билсаям, Лазокатга «онам билан ярашиб олсанг-чи» дейишни ҳеч қўймасди. Лазокат қайнонаси билан узоқ йиллар яшаса-да, унга чиройини очиб гапирганини эслолмайди. Фақат, ўша куни...

— Бу ёққа қаранг, болам? Қаердасиз...

Айвонда инграган товушни эшитиб югуриб борди. Қайнонаси бир ҳолатда ётар, оғриқнинг зўриданми, кўзларини юмиб олганди.

— Собиржонни чақиртиринг...

Лазокат қўшни болага тайинлаб чиққунича, қайнонасининг аҳволи анча оғирлашди. Лазокат унга сув ичиргач, сал ўзига келди. Сўнг негадир келинига эмас, шифтга қараб сўзлай бошлади:

— Собиржоним болалигида кўп касал бўлган, ўзиям етти ойлик туғилганди-да. Нуқул «шу болам ўлмай катта бўлармикан, уйланиб бола-чақа орттирармикан» деб ўйлардим. Аллоҳга шукр, шу боламнинг боласини кўрдим. Ундан кўнглим тўқ, ўзини тиклаб олди. Ахир шугинани улғайтиришга озмунча меҳнатим сингмади, шунинг учун уни бошқача яхши кўрардим, йироқлатгим келмасди... Қани у? Чақиртирдингизми? Ҳа-я, иши узоқ-ку, уф-фф! Келгунча тамом бўламан шекилли... Болам, ҳозир сизга гапираяпману, худди бугун уйимга кириб келган келинга сўзлаётгандайман... Анча бегона бўлиб қолибмиз бир-биримизга... Бўлмаса-ку, ўн беш йилча бирга яшадик... Ҳай, майли, омон бўлинг, сизнинг ҳам ёлғиз қизингиз бор, уям бирор жойга келин бўлади... Унга қаттиқ тайинланг, борган жойида кексаларни ранжитмасин, дуоларини олсин... Дуода хосият катта... Қасосли дунё экан бу...

Бемор яна нималарнидир пичирлади, буни Лазокат эшитмади. Фақат у онанинг келинига нималарнидир айтмоқчи бўлгани-ю, лекин айтмаганини ички туйғу билан сезди. Ўғлига илҳақ бўлаверди. Ахийри жони узилди.

Қайнонасининг маъракалари ўтгач, Лазокат анча маъюс бўлиб қолди. У бир нарсага ҳайрон эди. Қайнонаси ўлими олдидан ҳам унга очилиб сўзламади, ўртадаги совуқчилик йиллар давомида ўз ишини қилиб улгурган, икки аёл қалбини бир-бирига буткул бегоналаштириб қўйганди. Бемор алаҳлаб нуқул ўғлининг исмини такрорлайверди, уни кутди. Лазокатга «сиздан розиман, болам» демади, уни дуо ҳам қилмади...

«Демак, қайнонам ўғлини қаттиқ яхши кўргани учун уни аяб ҳовлида олиб қолган экан-да. Мен бўлсам, улар ҳақида бошқача хаёлларга бориб юрган эканман шунча йил... Нега буни илгарироқ, тушунмадим? Ҳатто, ўлими яқинлигини билиб туриб ундан розичилик сўрамадим. Нега? Нима учун? Наҳот, жон бераётган аёл олдидаям кек сақладим?!»

Мана шу ўй-хаёллар Лазокатга ҳеч тинчлик бермасди. Қилган ишидан пушаймон, лекин энди кеч...

Мана, қизи Малоҳатни узатибдики, қайнонасининг сўнгги сўзларини бот-бот эслайверади.

«Сизнинг ҳам ёлғиз қизингиз бор, ҳадемай узатасиз, унга уқтиринг, борган жойида кексаларни ранжитмасин, дуоларини олсин...»

Қайнонаси бу билан Лазокатга нима демоқчи бўлганди, ўшанда? «Сиз мени ранжитдингиз, кўнглимга озор етказдингиз» демоқчи эдими? Энди бўлса, бу туш...

Шу куни унинг кўнгли ғаш, кайфияти тушкун эди. Юмушга уннасада, иши ҳам унмади. Телевизор мурватини бурадию, вақт ўтказиш учун анча тикилиб ўтираверди. Бир вақт кўча эшик тақиллагандай бўлди. Лазокат ая тезгина ўрнидан турди, сўнг ташқарига овоз берди:

— Ҳозир! Ким у?

— Мен, онажон...

«Малоҳат! Вой ўлмасам, тинчликмикин?» Лазокат ая эшик илгагини пастга тортди. Остонада Малоҳат, қизчасини кўтариб олган, бир қўлида каттакон сумка. Йиғлайверганиданми, юз-кўзлари шишиб кетганди.

— Нима бўлди? Гапир тезроқ?

— Энди ўлсам ҳам қайтиб бормайман ўша уйга!

Лазокат ая худди хуши бошидан оғаётгандек бир алфозда туриб қолди.

**Гулчеҳра ЖАМИЛОВА**

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Кудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78;
Хатлар бўлими 56-85-43;

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди -

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 7765 Буюртма Г— 616 23456